

КАЛОМ ТАЪЛИМОТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Маннобова Гулзода Равшанбек қизи

Фарғона вилояти Қува тумани

64-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

e-mail: Mannobovaguli@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, каломнинг мустақил бир таълимот сифатида вужудга келиши ва унинг мусулмон жамиятларидаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, калом илмидаги мотуридийлик ва ашъарийлик ақидаларининг умумий ва фаркли жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *Ислом, калом илми, мутакаллимин, исломий илмлар, фикҳий илмлар, теология, нубувват, қавниёт, самъиёт. Абу Мансур Мотуридий, Абул Ҳасан Ашъарий.*

THE EMERGENCE OF THE DOCTRINE OF THE WORD AND ITS SPECIFIC ASPECTS

ANNOTATION

This article discusses the emergence of the word as an independent doctrine and its importance in Muslim societies. Also, the general and different aspects of the beliefs of Muturidism and Ash'arism in the science of kalam are analyzed in detail.

Keywords: *Islam, the science of the word, mutakallimin, Islamic sciences, jurisprudence, theology, prophecy, poetry, samiyat. Abu Mansur Moturidi, Abul Hasan Ash'ari.*

ВОЗНИКНОВЕНИЕ УЧЕНИЯ О СЛОВЕ И ЕГО СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается возникновение слова как самостоятельной доктрины и его значение в мусульманских обществах. Также подробно анализируются общие и различные аспекты верований мотуридизма и ашаризма в науке калам.

Ключевые слова: *Ислам, наука слова, мутакаллимин, исламские науки, юриспруденция, богословие, пророчество, поэзия, самият. Абу Мансур Мотуриди, Абул Хасан Ашари.*

Кириш. Маълумки, исломнинг кенг тарқалиши катта ҳудудларда илгаридан мавжуд ҳуқуқий меъёрларнинг исломлаштирилишини тақозо этди. Ислоннинг янги ҳудудларга ёйилиши билан у ёки бу тарзда янги диний эътиқодлар, янги маданиятлар, одатларга дуч келинди. Ислон диннинг ёйилиши уни бошқа динлар билан тўқнашишга олиб келди. Бу ҳол, ўзи билан бирга янги масалалар, талабларни юзага чиқарди. Мусулмонлар янги сиёсий тизимга асосланган ўз ҳокимиятларини ёяр эканлар, турли одатлар ва анъаналарга эга халқлар билан мураккаб муносабатларга киришдилар. Улар қаршисида исломга янги халқларнинг кириши орқали юзага келган муаммолар кўндаланг бўла бошлади.¹ Маданияти юксакроқ бўлган халқларнинг мантикий саволларига қониқарли жавоб топиш, ўз динларининг бошқа динлардан афзаллигини кўрсатишда муқаддас китоблар билан кифояланибгина қолмай, шу билан бирга, мантикий жиҳатдан исбот қилиш ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бу, ўз навбатида, янги ғоя ва йўлларнинг пайдо бўлишига олиб келиши равшан эди. Иккинчи томондан эса, мавжуд сиёсий тузум ичидаги беқарорликни бартараф этиш, мусулмонларнинг турли фирқаларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик зарурати уламоларни янги изланишларга мажбур қилди. Ушбу омиллар исломнинг фикрловчи доираларида калом баҳсларининг пайдо бўлишига замин тайёрлади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Баҳс юритишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган. Бундай “ҳужум-ҳимоя” кўринишидаги баҳс усули, яҳудийлар, христианлар ва монийлар ўртасида қадимдан давом этиб келаётган мунозараларнинг энг оммавийси эди².

Ислон динида “Калом” йўналишига асос бўлган бундай баҳсларни олиб боровчиларга нисбатан “мутакаллимин”, яъни “сўзлашувчилар” атамаси қўлланила бошлади. Бу баҳслар турли гуруҳларнинг жиззаки ва чапани олишувлари шаклидан маданий мунозарага, кўпгина ҳолларда ёзма баҳслар (рисолалар) шаклига ўтиши, шариат ҳимоясига хизмат қилиши лозим эди.

Калом, шу тариқа, ўз тараққиёти давомида шариат илмининг таркибий қисмига айланди. Бунда Абу ал-ҳасан Ашъарийнинг хизмати алоҳида диққатга сазовордир. Шаръий асосдаги “Калом” йўналиши тўлиғича унинг ва Абу Мансур Мотуридийнинг таълимотларидан бошланади. Ислонда уларга зид таълимотни тарғиб этган барча теологик ва фалсафий-мантикий йўналишдаги қарашлар бидъат деб эълон қилинган. Ибн Халдуннинг: “Калом бор-йўғи бидъатларга раддия сифатида пайдо бўлган. У шундай илмки, мантикий далилларга

¹ Қаранг: Ўзбек фалсафаси ёхуд минтақавий тафаккур тарихидан хрестоматия II жилд // Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 570.

асосланган баҳс юритиш орқали дин асосларини ҳимоя қилади ва исломиятдан адашган бидъатчиларни қоралайди”¹, – деб берган таърифи каломнинг ашъарий ва мотуридийлардан бошланган ана шу калом илми тараққиётининг янги босқичига тегишли эканлигини унутмаслигимиз керак. Шуни эслатиб ўтишимиз жоизки, исломнинг илмий ва маърифий доираларида шариат ҳақидаги илм дастлабки шаклланган шаҳобча бўлса, ҳадисшунослик тарих адабиёт, кўп ҳолларда, шариат ва фикҳга илова эди. Калом илми аслида ақоид илмининг исмларидан биридир. Чунки ақоид илми ўз тарихининг турли босқичларида шароит ва тушунчалардан келиб чиқиб, бир неча номлар билан аталган. Дастлаб ислом илмларининг барчаси умумий тарзда “Исломий илмлар” ёки “Фикҳий илмлар” деб аталган. Ақидавий мавзуларга оид илмлар дастлаб “ал-Фикҳ ал-акбар”, фикҳга доир илмлар эса, “ал-Фикҳ ал-асғар” деб аталган. Сўнгра ундан турли илмлар (ҳадис, тафсир, фикҳ, тасаввуф, ақоид) ҳосил бўлиб, ислом динига хос илм сифатида эътироф этила бошлаган. Ақоид ва калом илмлари ҳам ўзларининг ушбу номларида барқарор қолгунча турли номлар билан аталиб турган. Демак “ал-Фикҳ ал-акбар” калом, ақоиднинг дастлабки номи деб ҳисобласа бўлади.² Шу тариқа Калом илми турли даврларда “ал-Фикҳ ал-акбар”, “Илм ал-калом”, “Усул ад-дин”, “Илм ат-тавҳид” ва ниҳоят сўнги номи “Ақоид” ва “Калом” деган номлар билан аталган. “Калом” ақоиднинг энг машҳур исми ҳисобланиб, VIII асрда юзага келган. Ҳозирги даврга келиб ғарб ва турк шарқшунослари ушбу илмга нисбатан “Илоҳиёт” ва “Теология” каби исмларни ишлатмоқдалар³. Чунки кейинги асрларда ақоид илми тўртта таснифга бўлинган:

1. *Илоҳиёт*. Бунда Илоҳ ва У зотга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади;

2. *Нубувват*. Бунда ваҳий, пайғамбарлик расуллар ва уларга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади;

3. *Қавниёт*. Бунда борлиқдаги мавжуд инсон, фаришта, жин ва сабабият қонунлари ҳақида баҳс юритилади;

4. *Самъиёт*. Бунда эшитиш билангина, яъни асосан нақлга таянилган ҳолда собит бўладиган ақидалар ҳақида баҳс юритилади. Булар асосан ғайб оламига тегишли масалалар ҳисобланади⁴. Ақоиднинг юқорида келтирилган номларига

¹ Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси”, 2001. – Б. 398.

² Мансуров А. Ақоид матнлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.

³ Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти // Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.

⁴ Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти // Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.

келсақ тарихда уларнинг барчасига тааллуқли асарлар битилган. Масалан, “ал-Фикҳ ал-акбар” номини биринчи бўлиб Абу Ҳанифа қўллаган ва шу ном билан ўзининг ақоид илмига оид машҳур рисоласини ёзган. Усул ад-дин номини биринчи бўлиб қўллаган шахс Абул Ҳасан ал-Ашъарий бўлган. Унинг “ал-Ибона ан усул ад-дийана” номли асари мавжуд бўлган. Ақоид илмининг ушбу номига яна Абул Муин ан-Насафийнинг бизга маълум бўлган “Табсират ал-адилла фи усул ад-дин” асарини ҳам мисол келтириш мумкин. Ақоиднинг “Илм ат-тавҳид” номини эса, биз бевосита Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асарида учратишимиз мумкин. “Илм ал-ақоид” номига эса Абу Ҳафсан-Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” номли асари ёрқин мисол бўла олади. Ақоиднинг мазкур номлари умумий тарзда “Илм ал-калом” деб аталган ва ушбу соҳа вакиллари “мутакаллим” номи билан эътироф этилган.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Калом илми пайдо бўлганда дастлаб салаф уламолари унга кескин қаршилик билдирганлар. Чунки улар шаръий масалаларни очишда нақлий далил (Қуръон ва ҳадис) кифоядир деган ақидада мустаҳкам турганлар ва нақл билан бир қаторда ақлий тафаккурга ҳам ўрин ажратган калом илмини кескин қоралаганлар. Калом илмининг қаршиликка учрашига улар қуйидаги омилларни сабаб қилганлар:

1. “Ўзи”нинг Китоби ва Расулининг суннати билан Аллоҳ мусулмонларни Аллоҳни таниш ва тавҳидини исботлаш, исмлари ва сифатларини билиш учун бошқа манбаларга мурожаат қилишдан беҳожат қилди.
2. Ислом динида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёритиб бермаган ва баёни комил тушунтирилмаган на аслий ва на фаръий бирорта масала ҳам қолмаган. Бунга қуйидаги оятни далил қиладилар: *”Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб розибўлдим”* (“Моида” сураси, 3- оят)¹.
3. Салаф уламолари калом илми масалалари, терминлари ва баҳслари билан шуғулланиш фойда бермайдиган ортиқча гап сотиш деб ҳисоблайдилар. У билан шуғулланган инсон қувватини ва вақтини зое кетказди. Чунки Аллоҳ ўз бандаларига ҳозирги ва келажак даврда керак бўладиган барча нарсаларни баён этган.
4. Китоб ва суннатда келтирилмаган калом илми терминларини қўллаш фитналар, кўркув ва гумонларга сабаб бўлади².

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Масъул муҳаррир: Ҳамидулла Кароматов. – Т.: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001. 5-сура, 3-оят.

² Қаранг: Ўзбек фалсафаси ёхуд минтақавий тафаккур тарихидан хрестоматия II жилд // Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 570.

Шундан келиб чиқиб, калом илмига дастлаб қуйидаги уламолар салбий муносабат билдирганлар:

Абу Ҳанифа (р.а.): “Амр бин Убайдни худо урсин. Калом илмига ўша эшик очиб берди”. Абу Юсуф: “Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни билмаслик эса илмдир”. Имом Шофий калом илмига энг қаттиқ қаршилик кўрсатган: “Аҳли калом ҳақида менинг фикрим қуйидагича: Уларни дарахт пўстлоқлари ва ковушлар билан савалаб, эшакка тескари мингазиб ўз қабилаларига сазойи қилиш керак ва қабила аҳлларига бундай жазо фақат Қуръон ва суннатни тарк қилганларга берилур, дея жар солиш керак”. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: “Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон иқболли бўлмас”. Абул Лайс ал-Ҳофиз: “Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташлансин”¹.

Лекин калом илмига бўлган бундай совуқ муносабатлар асосан мусулмон оламида пайдо бўлган мўътазилийларнинг таълимотларига қарши қаратилган эди. Шунинг учун бироз вақт ўтгач уламолар калом илмига нисбатан ижобий муносабат билдира бошладилар. Калом уламолари ўз илмларини ҳимоя қилишда қуйидаги ҳужжатларга таянганлар:

1. Калом илми табаа тобиинлар замонида зоҳир бўлган ва бу илм маъқул деб тан олинган. Шу нуқтаи назардан бу илми “бидъат ҳасана” деб ҳисоблаш керак.

2. Ақлий далиллар дин асослари саҳиҳлигини ва ҳақиқатлигини билимсизларга тушунтириш учун зарурдир².

Шундан келиб чиқиб, агар диннинг асоси ақл эмас, фақат эргашишилик деб белгиланса, бу Қуръонга зид фикрдир. Чунки Аллоҳ Қуръонда тақлид қилишни қоралаган ва инсонларни назар солиб ақл юритишга чақиради³. Калом илмига нисбатан қуйидаги уламолар ижобий фикр билдирганлар: Калом илми мўътазилийларнинг аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кескин қилган хуружлари натижасида олимларнинг аксарияти наздида ижобий эътироф этила бошланди. Масалан, мотуридиянинг машҳур вакили Абу Юсуф ал-Паздавий шундай деган: “Калом илми фарзи аъйн бўлган усул ад-диннинг шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқоддилардан ўрганиш мубох, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир”.

¹ Алимов У. IX – XI асрларда Самарандда калом илмининг ривожини. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Мовароуннаҳр, 2008. – Б. 192.

² Қаранг: Ўзбек фалсафаси ёхуд минтақавий тафаккур тарихидан хрестоматия II жилд // Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 570.

³ Ўша манба. – 26 б.

Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий “Ихё улум ад-дин” асарида шундай деган: “Ҳаж зиёратига борувчиларни йўлтўсар қароқчилардан ҳимоя қилиш учун кўриқлаб борувчи соқчиларнинг шарт бўлгани каби, чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан кўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир”. Саъиддин ат-Тафтазоний ўзининг “Мақосид ат-толибин” номли асарида калом илмига шундай шарҳ беради: “Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-укубатдан халос топишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир”¹.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ислом тарихини ўрганиш жараёнида кўплаб олимлар калом илмида фаолият олиб бориб ўзларининг ақидага оид асарлар ёзганларини кўриш мумкин. Улардан ҳанафий мазҳаби олимларидан Абу Ҳафс Насафий “Ақида ан-Насафийя”, Абул Муин Насафий “Табсират ал-адилла”, Абу Жаъфар Таҳовий “Ақида ат-Таҳовийя”ларни алоҳида санаб ўтиш ўринли. Булардан бошқа олимлар ҳам, шунингдек моликий, шофеий, ҳанбалий мазҳаби уламолари ҳам бу борада қалам тебратиб ўзларидан муҳим асарлар қолдирганлар. Аввалги олимлар ўзларининг асарларини мустақил тарзда ва мухтасар шаклда ёзган бўлсалар, кейингилар ўзларидан олдин ўтганларнинг асарларига шарҳ таълиф этганлари ва мустақил асар ёзган бўлсалар ҳам муфассал экани билан ажралиб турганлар. Ҳозирги кунда ҳам ақида илмида асар ёзаётган мутахассислар асарининг масалаларга батафсил тўхталиб ўтаётганларини кўриш мумкин.

Уларнинг барчалари Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида ҳамда саҳобаларнинг услуби асосида ақида масалаларини баён этиб берганлар. Ақида борасида фаолият олиб борган олимларнинг орасида имом Абу Мансур Мотуридий ва имом Абул Ҳасан Ашъарийлар алоҳида ажралиб чиққанлар. Бу олимлар Аҳли сунна вал жамоа ақидаси бўйича имом деб тан олиндилар. “Аҳли сунна вал жамоа” тўрт фикҳий мазҳабдан бирига амал қилиб келаётган бўлсалар, ақидавий масалада иккига – мотуридийлик ва ашъарийликка эътиқод қиладилар. Бунда ҳанафий мазҳаби мотуридийликка, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳаби ашъарийлик таълимотида деб ҳисобланади. Шу ўринда бу икки мактаб вакиллари ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 256.

Мотуридийлик ақидавий мактаб асосчиси буюк калом имоми ва факих Абу Мансур Мотуридийдир. Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, замонасининг кўзга кўринган ханафий мазҳаби олимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур факихлар ва мухаддислар билан мулоқотда бўлган ва мунозаралар қилиб, шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдирган. Абу Мансур Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Мотуридий ислом оламида жуда нозик ҳисобланган “Китаб-ут тавҳид” асари бизнинг давримизга етиб келган. Олимнинг яна бир асари “Китаб таъвилот аҳли сунна” ёки бошқа бир номи “Таъвилот ал-Қуръон” деб номланади. Мотуридий бу асарида сунний ақидага зид қарашларни рад қилишга ҳаракат қилади ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суянган ҳолда иш кўради. Мотуридийнинг бу биргина асари тарих жараёнида кўп алломалар асарларига асос солган, улар ижодига туртки бўлган. Мотуридий кўп шогирдлар етиштирди, улар ўз устозларининг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли ханафий мазҳабида калом или бўйича мотуридия мактаби вужудга келган. Мотуридий “Имом ал-ҳуда” (ҳидоят йўли имоми) ва “Имом ал-мутакаллимин” (мутакаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам машҳур бўлган¹.

Ашъарий таълимотининг асосчиси Абул Ҳасан Ашъарий аҳли суннат ва жамоанинг ашъария эътиқодий таълимотини яратаётган вақтда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий ҳам мотуридия таълимотига асос солаётган эди. Бу икки имом бир вақтда яшаган бўлсалар ҳам бир-бирлари билан учрашмаган, шундай бўлсада, уларнинг ақидавий қарашлари деярли бир хил. Айрим жузъий масалаларда лафзий ихтилофлар бўлсада, уларнинг асл мақсади бир ҳисобланади. Бошқача айтганда икки таълимот орасидаги баъзи ихтилофлар лафзий бўлиб, моҳиятан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда улар ўзаро бир-бирини адашганликда ёки бидъатчиликда айбламайди. Улар ўзаро бир-бирларини «аҳли сунна вал жамоа» деб эътироф этадилар.

Ашъарий ва мотуридийлик орасидаги асосий фарқ имон масаласидадир. Мотуридий таълимотида кўра имон тил билан иқроқ қилиб, дил билан тасдиқлашга айтилади. Амал имоннинг таркибига киритилмайди. Ашъарийликда эса, имонга амални ҳам қўшадилар. Шу сабабдан мотуридийлик тарқалган ҳудудларда имон келтирган киши мусулмон ҳисобланади, аммо амал қилмагани учун гуноҳкор бўлади, деб юритилади. Ўрни келганда айтиб ўтиш

¹ Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти // Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – Б. 190.

лозимки, манбаларда “мотуридийя мазҳаби”, “ашъарийя мазҳаби” деган атамалар учраб қолади. Бундан имом Мотуридий имом Абу Ҳанифанинг илми каломга доир таълимотини ривожлантирган. Имом Ашъарий эса имом Шофийнинг эътиқодий қарашларини такомиллаштирган дейиш мумкин. Мазкур икки олимнинг таълимотлари ислом оламида кенг тарқалди ва асрлар давомида мусулмонларни соф эътиқодда бардавом бўлишига, оят ва ҳадисларнинг маъноларини тўғри англаб, ҳаётга татбиқ этиб келишларига, турли эътиқоди нотўғри оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка сабабчи бўлди.

Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарийларнинг соф ақидани мусулмонларга етказишдаги хизматлари беқиёсдир, уларнинг ақидавий таълимотиغا ҳозиргача мусулмонлар томонидан алоҳида эътибор билан амал қилиб келинмоқда. Шундан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, ислом таълимотини бузиб талқин қилиш натижасида уларга раддия сифатида олимлар калом, яъни ақида илмига асос қўйдилар. Бу мусулмонлар учун зарур соҳага айланди. Ҳар бир мусулмон киши буни билиши шарт бўлган мажбурий илмга айланди. Чунончи Саъдуддин Тафтазоний “Мақосид ат-толибин” асарида: “Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий, ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-укубатдан халос бўлишдир. Шундай экан калом илми энг шарафли илмдир”. Абу Ҳомид Ҳаззолий ўзининг “Ихё улум ад-дин” номли асарида: “... Чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан қўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир”¹, – деган.

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ақоид ёки калом илмининг вазифаси куйидагиларда намоён бўлади: диний эътиқодларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар ҳақидаги шубҳа ҳамда гумонларни рад қилиш; инсонни ақидада оддий тақлидчи бўлишдан ҳар бир эътиқодга ҳужжат келтира олиш даражасига кўтариш; исломнинг соф эътиқодларини адашган залолат аҳлининг шубҳа ва гумонларидан ҳимоя қилиш.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 256.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек фалсафаси ёхуд минтақавий тафаккур тарихидан хрестоматия II жилд // Муаллифлар жамоаси. – Т.:“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
2. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.:“Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси”, 2001.
3. Мансуров А. Ақоид матнлари. – Т.:“Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006.
4. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти // Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008.
5. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Масъул муҳаррир: Ҳамидулла Кароматов. – Т.: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001.
6. Алимов У. IX – XI асрларда Самарандда калом илмининг ривожини. – Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Мовароуннаҳр, 2008.
7. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.